

ТАРИХ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТУВЧИ ЎҚУВ ТОПШИРИЛАРДАН АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛАНИШ

Ержанова Гулчехра Медетбаевна,
Нукус давлат педагогика институти таянч докторанти

Аннотация: мақолада умумтағым тизимида тарих дарсларида мантиқий фикрлаш күник масини ривожлантириши орқали ўқувчилар тафаккурини ўстириши, талабага тайёр билим берии эмас, уни изланишига ундаш, маълумотларнинг ўзи қидириб топиш ва таҳлил қилишига, талабаларга маълумотлар билан қандай ишилаш, маълумотларни қандай ва қаердан қидириши, қандай солиштириши, солиштирганда нимага асосланиши каби билим ва кўникмалар ўргатилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тарих дарслари, мавзуга доир тушунчалар, изоҳлаш, ўқувчилар тафаккурини ўстириши, миллий тарих, ўқитиши методикаси, мустақил ишилаш, излаб топиш, қиёслаш, таққослаш, аждодлар тарихи, миллий гурур

ПРИМЕНЕНИЕ НА ПРАКТИКЕ ЗАДАНИЙ НА УРОКАХ ИСТОРИИ, КОТОРЫЕ УЧАТ УЧАЩИХСЯ ЛОГИЧЕСКИ МЫСЛITЬ

Ержанова Гульчехра Медетбаевна,
базовая докторанттура Нукусского государственного педагогического института

Аннотация: в статье размышляется о росте мышления учащихся за счет развития навыка логического мышления на уроках истории в системе общего образования, не давая ученику готовых знаний, поощряя его к самостоятельному исследованию, поиску и анализу информации, о том, как обучают учащихся знаниям и навыкам, таким как, как работа с данными, как и где искать информацию, как сравнивать

Ключевые слова: уроки истории, понятия, связанные с темой, интерпретация, развитие мышления учащихся, национальная история, методика преподавания, самостоятельная работа, поиск, сравнение, история предков, национальная гордость

PRACTICAL APPLICATION OF TASKS IN HISTORY LESSONS THAT TEACH STUDENTS TO THINK LOGICALLY

Yerzhanova Gulchehra Medetbaevna,
basic doctoral studies at the Nukus State Pedagogical Institute

Abstract: the article reflects on the growth of students' thinking due to the development of logical thinking skills in history lessons in the general education system, without giving the student ready-made knowledge, encouraging him to independent research, search and analysis of information, about how students are taught knowledge and skills, such as how to work with data, how and where to look for information, how to compare

Keywords: history lessons, concepts related to the topic, interpretation, development of students' thinking, national history, teaching methods, independent work, search, comparison, ancestral history, national pride

Умумтағым мактабларида ўқув предметлари мазмуни такомиллаштирилмоқда. Дарсликлар хам ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, мустақил ишлай олиш кўникмаларини ривожлантиришга мослашиб бормоқда. Зеро, “Ёшлиларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтили бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, – дея таъкидланиши тарих ўқитиши фани олдига мамлакатимиз ёшлиларини мантиқий фикрлайдиган, миллий ғурури баланд, мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни қўяди.

Миллий тарихни ўқитишда янги ёндашувлар ва тушунчаларни излаш ўтмишнинг барча тадқиқот юкларини тўлиқ қайта кўриб чиқишини, алоҳида воқеалар ва фактларни сохталаштириш-

ни ёки яширишни англатмайди. Аксинча, дарс машғулотларида талабаларнинг ўзларига тарихга оид кўп вариантили ахборотларни аниқлаштириш топшириқларини бериш керак. Бу талабанинг мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради. Ахборот – (лот. информатио – тушунтириш, баён қилиш) – шартли белгилар ёрдамида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида, уларни тасвирлаш шаклидан қатъий назар узатиладиган ва сақланадиган маълумотлардир.

Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар ва тарихни ўқитиш мақсадларида тарих ўқитишининг мақсадлари талабаларни ўзлаштириш; жаҳондаги тарихий жараёни ҳақидаги тизимлаштирилган билимлар ва унда ўзбекистоннинг ўрни ҳақидаги ғояларни шакллантириш, шу орқали талабаларни миллий ва жаҳон маданияти ютуқлари, ижтимоий фаол ва ижодкор шахсни, Ватан фуқароси ва ватанпарварни тарбиялашга эришиш мумкин.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчиларнинг матникий фикрлаш кўникмаси қай даражада ривожланишини кузатиш мумкин. Таълим тизимининг умумий ўрта таълим босқичида ўқувчиларни тарих ўқув предмети асосида мустақил ишлашга, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда равон ва таъсирчан ифодалай олиш кўникмаларини шакллантириш бугунги таълим олдида асосий вазифа сифатида турибди. Зоро, ўқувчиларни маърифатли, бир сўз билан айтганда баркамол шахс сифатида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилиши талаб этилмоқда.

Бу жараёнда ёш авлоднинг жамият ривожига мос билим, кўникма ва малакалар соҳиби бўлиши муҳимлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчиларида тарих фани, хусусан, миллий тарихни ўқитиш орқали мантикий фикрлашга ўргатиш, бугунги таълим мининг мазмуни ва мақсадини ташкил этади. Уни амалга ошириш тарих ўқитиш олдига замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш, инновацион лойиҳалар яратиш муаммосини ҳам қўймоқда. Шу жиҳатдан олиб қарагандга умумий ўрта таълим йўналишида тадқиқ қилинishi лозим бўлган муҳим масалалар тизимида ўқувчиларда мустақил, ижодий фикрлаш ҳамда ўз фикрини нутқ шароитига мос ҳолда тўғри ва равон ифодалаш малакасини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш, уни татбиқ этишнинг янги методик ёндашувларини жорий этиш ва амалиётда синаб кўриш муҳим педагогик муаммодир.

Мазкур тажриба-синов илмий тадқиқотнинг энг сермаҳсул усули бўлиб, у кузатишлар жараёнида туғилган ғоя, тақдим этилган тавсия ва ишлаб чиқилган ўқув топшириқларининг самардорлик даражасини белгилаб беради.

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади ҳам 5-6-7-синф ўқувчиларида тарих ўқув предмети, хусусан, миллий тарихни ўқитиш орқали мантикий фикрлашга ўргатиш, дидактик имкониятларини ўрганиш ва мазкур жараёнга замонавий усулларни татбиқ этиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишидир.

Тажриба жараёнида 5-6-7-синф ўқувчиларининг дарслик материалларини ўзлаштириш имкониятлари аниқланди ва бу жараёнда тарих ўқув предмети ўқитувчиларнинг миллий тарихга оид материалларни узвий боғлиқликда тушунтириш юзасидан касбий-педагогик тайёргарлик дарожалари аниқланди. Ўқувчиларни анкета ёрдамида мустақил, ижодий фикрлашга ундейдиган маҳсус савол ва топшириқларга бўлган қизиқишилари, шунингдек, билим даражалари аниқланди. Яна куйидагилар ҳам маълум бўлди:

- 5-6-7-синф ўқувчиларининг миллий тарих ҳақидаги билимлари аниқланди;
- ўқитувчиларнинг тарих дарслари, хусусан, миллий тарихни ўқитишда дарслик ва бошқа кўргазмали воситалардан фойдаланишдаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди;
- қизиқарли, ноанъанавий, мантикий фикрлашга асосланган тарихга доир савол ва топшириқларга нисбатан ўқувчиларнинг муносабатини аниқлаш ҳамда фикрларни умумлаштириш мақсадида анкета-савол жавоблари ўтказилди;
- таъкидловчи тажриба-синовда аниқланган камчиликларни бартараф этиш усул, шакл ва воситалари аниқланиб, 5-6-7-синфда қизиқарли, ноанъанавий ижодий изланишга асосланган миллий тарихга доир савол ва топшириқлар асосида ўқувчиларда мантикий фикрлаш ҳамда мулоҳаза қила олиш оид кўникмаларни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди.

Мантикий фикрлашша асосланган миллий тарихга доир топшириқлар, саволлар орқали, аввало, ўқувчининг ҳар бир ҳикоя, ривоят, факт ва ўртага қўйилган муаммо ҳақида шахсий фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мазмунли ифодалай олишига эътибор қаратилди. Зоро, санаб ўтилган-

ларга нисбатан ўқувчида кўникма шакллантириш бугунги кундаги энг долзарб ва муҳим педагогик муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун 5-6-7-синф ўқувчиларида тарих дарслари мантиқий фикр маҳсулини нутқ вазиятига мос равишда тўғри қўллаш малакаларини шакллантириш талаб этилади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги илмий фараз текшириб кўрилди ва ўз исботини топди:

- ўқувчиларда мантиқий фикрлаш кўникмасини прагматик топшириқлар орқали шакллантириш;

- миллий тарих ўқитиши жараёни маҳсус ўрганилиб, ундаги камчиликлар, уларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф этиш йўллари ва омиллари ишлаб чиқилди;

- миллий тарихга оид маълумотларни ўргатишнинг аҳамияти ва дидактик имкониятлари англанган ҳолда методик жиҳатдан тўғри татбиқ этилди;

- ўқувчиларга ўқитиши мураккаб бўлган мавзуларни ўргатишнинг мазмуни, шакл, усул ва воситалари ишлаб чиқилди;

- ўқувчиларда мантиқий тафаккурни шакллантирадиган, ўз фикрини турли шаклларда тўғри ва равон ифодалай олиш кўникмасини пайдо қилишга йўналтирилган ҳамда самарадорлик даражаси аниқланган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

- ўқитувчилар ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар билан таништирилди;

- ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар дарс жараёнига тўлиқ татбиқ этилди;

- олинган натижаларга кўра ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар такомиллаштирилди.

- 5-6-7-синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш, мустақил ишлай олиш кўникмаларини шакллантиришнинг ёритилмаган қирралари аниқланди ва келажакда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларига материал бўла оладиган тавсиялар берилди.

Умумтаълим мактаблари она тили дарслеридан миллий тарихга оид ўқув материалларининг таркиби ва миллий тарих ўқитишининг бугунги ҳолатини аниқлаш мақсадида дастлаб тажриба-синов майдончалари аниқлаб олинди. Тажрибанинг дастлабки кунларида назорат синфларидан ҳам, тажриба синфларидан ҳам ёзма ишлар олинди. Бизга иккала гурухнинг ҳам дарсларни ўзлаштириш даражаси деярли бир хил эканлиги маълум бўлди. “Соҳибқирон Темур”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Бобур” каби мавзуларда синаш учун ёзма ишлар олинди.

Нукус шаҳридаги 54-умумтаълим мактабида олиб борилган тажриба-синов жараёнида ўқувчилар нутқида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

- миллий тарихни тизимли билмаслиги нутқ элементларидан сезилиб турибди;

- ёзма нутқда, асосан, саналарда хатоликлар бор. “Амир Темур” мавзусида тажриба ҳамда назорат гурухларидан олинган баён натижалари ўқувчиларнинг 80%да мазкур хатолар борлигини кўрсатди.

– ўқувчиларнинг маълумотлар базаси нутқий талабга жавоб бермаслиги ҳоллари ҳам сезилди. Аслида, кишида маълумотлар захираси ночор бўлса, нутқида кўплаб услубий хатоликларга йўл кўяди.

Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш кўникмаси ривожлантиришда хотирани синаш кўникмалари шаклланишида ўқитувчиларнинг таъсири катта эканлиги барчага маълум. Умуман, дарсни қандай ташкил қилиш ўқитувчининг тўплаган малакасига боғлиқ. Умумтаълим мактабларида миллий тарих ўқитиши билан боғлиқ муаммоларнинг бир учи мактаб ўқитувчиларига ҳам бориб тақалмокда. Тажриба-синов жараёнида шундай ҳолатларга дуч келиндики, айрим ўқитувчилар тарих ўқитишидан кўзланган асосий мақсад нима эканлиги хақида аниқ тасаввурга эга эмас. Ҳатто тажрибали ўқитувчилар ҳам дарсни интерфаол усулда турли замонавий методларда қизиқарли ташкил эта олсалар-да, ўқувчиларга тарих фанидан, миллий тарих бўйича зарур кўникма ва малакаларни бера олмаяпти. Ўқувчиларни дарсга қизиқтира олиш яхши, албатта, бироқ шу қизиқтириш орқали ўқувчини ижтимой ҳаётда доим асқотадиган билим ва малакалар билан қуроллантириш асосий масала эканлигини доим эсда тутиш зарур. Ушбу ҳолатнинг сабабини аниқлаш мақсадида Хива шаҳридаги мактаб ўқитувчилари орасида анкета-сўров ўтказилганда қуйидагилар аниқланди:

1. Мактабда “Миллий тарих” бўлими нима учун ўқитилади?

Жавоблар(айнан келтирилди.):

Тарихи билиш учун.

Ота боболаримиз ҳақида маълумотга эга бўлиш учун.

Ўзликни англаш учун.

Юқорида келтирилган жавоблардан кўриниб турибдики, тарих дарсларини ташкил қилувчи, ўқувчиларни маълумотлардан моҳирона фойдаланишга ўргатувчи мутахассислар КТМД талабарини, тарих фанидан ДТС малака талаблари ва, энг муҳими, тарих ўқитишнинг мақсадини аниқ билишмайди.

Миллий тарих ўқитишдан кўзланган мақсад ҳам тарих ўқитишнинг асосий мақсадидан келиб чиқади. Айтиш керакки, ўқитувчилар орасида саволга аниқ жавоб берганлар ҳам бор. Жумладан, 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Халилова Нурнисо “Миллий тарих ўқитишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг маълумотлар базасини кенгайтириш, мантиқий фикрлашга ўргатиш, мустақил фикрлай оладиган баркамол авлодни камол топтириш”, деб жавоб ёзган. Аммо бу ўқитувчиларнинг умумий сонига нисбатан жуда оздир.

“Миллий тарих мавзуси орқали ўқувчилар қандай кўникма ёки малакага эга бўлиши керак?”, деган саволга мантиқли жавобнинг ўзи йўқ. Баъзилари ҳавола қилинади.

Мавзулар бир-бири билан ўзаро алоқада, боғлиқликда бўлади. Айниқса, миллий тарих бўлимини ўқитишида уни тилнинг бошқа (қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар, Темурийлар даври ва ш.к.) бирликларига боғлаб тушунтириш катта натижа беради.

Тил ўқитишида, айнан, миллий тарих ўқитишида тарихни бошқа фанларга (ўқувчи мактабда ўргатилаётган фанга) боғлаб, қиёслаб ўргатиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Бунинг икки томонлама фойдали жиҳати бор. Биринчидан, ўқувчиларга миллий тарих мавзусини ўтаётгандан масалан, адабиёт ёки география фанидаги маълумотларга солиштириб осонгина тушунтириш мумкин. Иккинчидан, замон ҳар бир ўқуввидан, ҳар бир мутахассисдан бирор тарихий асарларни мукаммал билишни талаб қилмоқда. Маълумки, умумтаълим мактабларида даврнинг мазкур талабига мос шароитлар, имкониятлар давлат, яъни буюртмачи томонидан яратиб қўйилган. Бироқ миллий тарихни ўрганиш масаласи на давлатнинг на жамиятнинг эҳтиёжини қондира олмаяпти. Бу борада яқиндан ёрдамчи тарих дарслари бўлиши зарур эди, аммо ўқувчи ўз миллий тарихи ҳамкида ўз фикрини турли шаклларда равон, мантиқли ифодалай олмайди.

Ўқитувчиларнинг бу борадаги фикрларини билиш мақсадида анкетага қуйидаги савол кири-тилган эди:

“Миллий тарихни қайси фанларга ва тилнинг қайси сатҳларига боғлаб тушунтирасиз?”

Айрим ўқитувчилар миллий тарих ҳақидаги маълумотларни тизимли билмайди, қолганлари эса барча тил сатҳларига боғлаб тушунтиришини баён қилган. Кўриниб турибдики, бу борада ҳам ўқитувчиларга методик ёрдам бериш зарур.

Далилларни келтиришнинг боиси шуки, таълимнинг асосий воситаси ҳисобланган дарсликлар мазмун-мундарижаси талаб даражасида бўлиши, ўқув материаллари таълим мақсади рўёбиға хизмат қила олиши шарт, акс ҳолда айрим ўқитувчиларнинг тушунчаси ўзгаргунча, моҳиятни англагунча ёш авлод, давлат кутиб туролмайди. Дарсликлардаги ўқув материаллари шундай тузилиши керакки, ўқувчини билим олишга, мустақил ишлашга автоматик равища йўналтирилсин. Республиканинг марказдан узоқ, чекка туманларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг савијаси паст эканлиги, асосан, дарслик материалларидан фойдаланиши, дарсликлар давлатнинг энг узоқ қишлоқларига (у ерга тарих ўқитувчилари етиб бормаган бўлиши мумкин) ҳам етиб боришини инобатга олсак, барча эътиборни мукаммал дарслик яратишга қаратиш лозим бўлади.

“Тарих” дарсликларидаги ўқув материалларини ўрганиш асносида тузилган миллий тарихга оид савол ва топшириқларни амалиётда синашдан кўзланган асосий мақсад қуйидагилар эди:

– 5-синф ўқувчиларида миллий тарихни ўрганишга бўлган қизиқиши ортириш;

– 5-синф ўқувчиларида мустақил ишлай олиш, мантиқий фикрлаш кўнилмаларини ошириб бориш ва шулар замирида ўз фикрини турли шаклларда тўғри ва равон ифодалай олишига эришиш;

– ўқувчини тавсия этилган савол ва торшириқларни бажариш жараёнида ўз кучига, ўзи мустақил ишлай олишига ишонтириш;

– мавзуга доир назарий маълумотларни ҳам ўқувчининг амалий кўнилмаларини шакллантиришга бўйсундириш;

– қизиқарли, ноанъанавий ижодий изланишга, мантиқий фикрлашга асосланган миллий та-

рихга доир савол ва топшириқлар орқали, аввало, ўқувчининг мантиқий фикрлаш, мушоҳада қила олиш, ўргага қўйилган муаммо ҳақида шахсий фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мантиқли ифодалай олишига эришиш.

Тадқиқот назариясининг амалда синаб кўриш; тадқиқот илмий-амалий имкониятини жорий этиш, умумлаштириш; бир неча вариантда ҳар хил шароитда тадқиқот натижасини текшириб кўриш; математик статистик таҳлил қилиш ва баҳолаш каби йўналишлардан иборат бўлади. Маълумки, амалиёт илмий билишнинг мезонидир. Илмий тадқиқот фаннинг истиқболини белгиловчи, мумтоз қонуниятларни ёритувчи ёки вақтинчалик бўлиши, баъзан такрор бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун тажриба-синов ишлари ана шу имкониятларни ҳаётда ўз ифодасини аниқлашдан иборат бўлади.

Илмий фаразларни асослашда тажриба-синовлари муҳим таркибий қисмидир. Илмий фаразларга асосан тажриба-синов ишлари ташкил этилади, илмий фаразлар амалиётда синалсагина назарий ғояга айланади. Илмий фаразлар тажрибаларда асосланмаса илмий тадқиқот йўналиши ўзgartирилади, қайта тажриба ўтказилади.

Илмий тадқиқотнинг концепцияси муаммонинг ўрганилиш тарихий тараққиёти, ҳаётда типик кўринишлари тажрибада синаб кўрилади. Амалий тажриба тадқиқот назариясини асослайди тўлдиради. Шунинг учун тажриба- синов ишлари дастури илмий тадқиқотни изчил амалга ошириш тизими, механизmdir. Тадқиқот назарияси тажриба-синов ишлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги фалсафий категория тажриба-синов ишларининг методологияк асосидир.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамиятини аниқлашда тажриба-синов ишлари экспертиза вазифасини бажаради. Тадқиқот аргументи тажриба-синов ишларининг натижасига асосан ифодаланади. Илмий тадқиқотни аргументлаш, ғоявий аксиома тажриба-синов ишларининг ҳар хил варианта, ҳар хил шароитда ўтказилганига боғлиқ. Педагогик тадқиқотда субъектив тавсиялар ўтган асрда таълим-тарбия тизимини инқирозга олиб борди. Педагогик тадқиқотларни аргументлаш тажриба-синов ишлари дастурининг таркибий қисмидир. Бир неча варианта, шарт-шароитда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш бўйича тажриба-синов ишлари тажриба ва назорат гурухларида синаб кўрилади. Узоқ муддатли тажрибада ҳар бир босқичда бажариладиган кузатиш тажриба-синов ишлар тартиби белгиланади. Тажриба гурухлари хусусиятига кўра бир ёки бир неча босқичли тажриба-синов ишлари режалаштирилади. Тажриба-синов ишлари натижаларини умумлаштиришда мантиқий хulosалар билан бирга математик статистик таҳлил аргументли концепциялар ишлаб чиқилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тажриба-синов натижасида ўқувчилар мантиқий фикрлашга ўргатиш орқали мавзу ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бунда улар мавзуга боғлиқ тушунча доирасидаги атамалар, воқеаларни яхши билиши керак бўлади. Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга, ўқув топшириқлари орқали мустақил ишлашга ўргатиш учун мавзуга доир тушунчаларни, терминларни изоҳлаш, бу борада луғатлар билан ишлаш кўникмасини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –14-б.
- Rahmatullayev M.A. «Masofaviy ta‘limning yetti jihat. - Toshkent, 2009; Ta‘limda axborot texnologiyalari. Oliy ta‘lim muassasalari uchun / R.Hamdamov, U.Begimkulov, NTayloqov. O_zME davlat ilmiy nashriyoti. - Т.: 2010, - 120 b.
- Сагдиев А., Фузаилова Г., Ҳасанова М. Тарих ўқитиши методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б. 48-61.
- Глазырина Т. Н. Методика преподавания истории –Новопоцк, 2011. –С. 65.